каттиқ чиқиндилар ҳосил бўлади. Термопластларни майдалаб (плёнка, лист, буюмлар) махсус ускуналарда гранулятор ёрдамида гранулга айлантириб тоза материал билан қўшиб қайтадан буюм олиш учун қайтадан ишлатиш мумкин, аммо терморреактив каттиқ чиқиндиларни қайта ишлаш анча қийинроқ. Бўларни ҳаво тозалигига таъсири бор. Полиэтилен плёнкаларни қайта ишлаш агломерациялаш орқали ҳам қайтадан фойдаланса бўлади. Полимерлардан композиция тайёрлашда кукун ҳолда ҳар хил тўлдирувчилар қўшилади (сажа, карбонат кальций ва бошқалар), бўлар чангланиб одамнинг ишлаётган муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Пластмассаларни қайта ишлаш одатда юқори ҳароратда олиб борилади, қуритиш учун юқори частотали электр токи, инфрақизил нурловчилар (излучитель) қўлланилади. Бундан ҳимоя қилиш зарур шартлар қаторига киради. Билиб қуйиш керакки, пластмасса чиқиндиларини ёқиш мутлақо мумкин эмас, чунки ҳосил бўладиган газ захарлидир. Ерга кўмиш ҳам ярамайди, чунки пластмасса чиримайди, сувга ҳам ташлаб бўлмайди, чунки улар сувдан енгил, сув устида нефть сингари сузиб юради. Ишлаб чиқаришдаги атроф-муҳит муҳофазаси — бу муҳим санитария гигиена характеристикадир; меҳнат шароити ишчининг ҳолига, ишчанлигига ва унинг меҳнат унумдорлигига катта таъсир кўрсатади. Демак, ишчининг ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш катта аҳамиятга эгадир. Атроф-муҳитни қуйидаги кўрсаткичлар билан характерлаш мумкин: иш жойидаги ҳаво ҳарорати билан (оптималь кўрсаткич 20-25 °С ни ташкил этади); нисбий намлик (40- 60%); ҳавонинг ҳаракат тезлигига (0, 2-0, 4м/с); барометрик босим (нормал 101,3кПа); ҳамда иситаётган асбобларни иссиқлик нурланиши. Ишчининг ҳаёт фаолияти метеорологик шароитларга ҳам боғлиқдир. Масалан, ишчининг терморегуляцияси (одам танасидаги ҳароратнинг доим бир хил бўлиб туришига хизмат қиладиган физиологик жараёнлар) кўрсаткичи муҳим ўринни эгаллайди. Терморегуляция туфайли одам организмидан ортиқча иссиқликни чиқариб юборади (масалан, одам дам олаётганда бу кўрсаткич 300 кДж/соат ни ташкил қилса, у оғир иш билан банд бўлганда 1700 кДж/соатни ташкил қилади). Ишчининг иш шароитига салбий таъсир қилувчилардан иш зонасидаги ҳавода захарли газларнинг тўпланишидир. Бунинг чегаравий руҳсат этилган концентрацияси ПДК кўрсаткичи орқали назорат қилинади. Пластмассаларни қайта ишлаш цехларида ишчи зонасида ҳаводаги чангни чегараланиш концентрацияси ПДКдан ошмаслиги керак. Барча зарарли моддалар хавфлилигига қараб 4 та синфга бўлинади: 1-ҳаддан ташқари хавфли; 2-юқори хавфли; 3-ўртача хавфли; 4-кам хавфли. Ҳамма моддалар ичида кўпроқ фенол ва формальдегид иш шароитига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Иш зонасида ишчининг шовқин, вибрация ва бошқа иш унумдорлигига ва ишчи соғлигига салбий таъсир қилувчи факторларни олдини олиш керак. Ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши ҳам республикада экологик хавфсизликка солинаётган тахтидир. Мутахассисларнинг маълумотига қараганда, ҳар йили республиканинг атмосфера хавосига 4 миллион тоннага яқин зарарли моддалар қўшилмоқда шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 % фоизини углерод чиқиндилари, 14 %

фоизини олтингугурт кули оксидли, 9 % фоизини азот оксиди, 8 % фоизини каттик моддалар ташкил этади ва 4 % фоизга якин ўзига хос ўткир захарли моддаларга тўғри келади. Атмосферада углерод йиқиндининг кўпайиб бориши натижасида ўзига хос кенг кўламдаги иссиқхона эффекти вужудга келади. Оқибатда ер хавосининг ўртача харорати ортиб кетади. Бу экологик муаммоларнинг олдини олиш учун чиқиндисиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, чиқиндиларни қайта ишлаш ёки зарарсизлантириш ишлаб чиқариш корхоналарида тозалаш мосламаларидан кенг фойдаланиш, атмосфера хавосига чиқаётган газ чанглари қайта ишлаш, ушлаб қолиш уларни зарарсизлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шуларни ҳисобга олиб, ҳозирги кунда Ўзбекистонда қурилаётган ишлаб чиқариш корхоналарида шу масалалар муҳим ҳисобланади. Бирон бир модданинг чегаравий мумкин бўлган миқдори деганда модданинг инсон иш қобилияти, саломатлиги ва кайфиятига салбий таъсир кўрсатмайдиган концентрацияси тушунилади. Атмосферага чиқаётган турли захарли моддаларнинг захарлилик даражси уларнинг 1 м³ ҳаводаги миллиграмм миқдорини аниқлаш йўли билан белгиланади (мг/м³). Атмосфера хавосини чангдан тозалашнинг қуйидаги усуллари мавжуд. 1. Гравитацион усул. 2. Қуруқ инерцион ва марказдан қочма куч асосида тозалаш. 3. Қўйиш усули. 4. Филтрлаш усули. 5. Электростатик усул. 6. Товуш ва ультратовуш ёрдамида коагуллаш. Атмосфера хавосини захарли газлардан абсорбцион, адсорбцион, каталитик ва термик усуллар билан тозалаш мумкин. Оқова сувларни тозалаш усуллари қуйидагиларга бўлинади. 1. Механик тозалаш усуллари: филтрлаш, тиндириш. 2. Физик-кимёвий усуллар: коагуляция, флокуляция, флотация ва х.к. 3. Кимёвий усул: а) Регенератив усул: адсорбция, хайдаш ректификация. б) Деструктив усул: оксидлаш, термооксидлаш. 4. Биокимёвий усул: кислородли аэробли ва кислородсиз муҳитда анаэробли.

Бир қаватли бино қурилишини атроф-муҳитга таъсирини ҳисоблаш

Бўёқ ишлари. Қурилиш жараёнида жами 30 кг мойли бўёқ ишлатилсин. Бунда атмосфера хавосига ташкил этилмаган ҳолатда эритувчилар буғи ва бўёқ аэрозоли ташланади:

Эритувчи буғининг ноорганик миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$M = Q \cdot V / 1000$$

бу ерда: Q - ишлатиладиган бўёқ миқдори ,т

V - бўёқни ишлатилиши жараёнида ажралиб чиқадиган эритувчи буғи миқдори

$$M_{\text{эрит.буғи}} = 0,03 \cdot 225 / 1000 = 0,0068 \text{ т / йил ёки}$$

$$0,0068 \cdot 1000 \text{ кг} \cdot 1000 \text{ гр} / 3600 \text{ сек} \cdot 480 \text{ соат} = 0,004 \text{ г / сек}$$

$$T = 60 \cdot 8 = 480 \text{ соат}$$

$$M_{\text{эбўёқ аэрозоли}} = 0,03 \cdot 25 / 1000 = 0,00075 \text{ т / йил ёки}$$

$$0,00075 \cdot 1000 \text{кг} \cdot 1000 \text{ гр} / 3600 \text{ сек} \cdot 480 \text{ соат} = 0,00043 \text{ г} / \text{сек}$$

$$T = 60 \cdot 8 = 480 \text{ соат}$$

Буёқ ишларида ажралиб чиқадиган эритувчи буғининг атмосфера хавосидаги концентрацияси ҳисобланди.

$\Delta T \approx 0$ Н - 2 м, D - 0,5 м ва W_0 - 2,6 м/сек инобатга олиб V_1 ни аниқлаймиз,

$$V_1 = \frac{\pi D^2}{4} W_0 = 3,14 \cdot 0,5^2 \cdot 2,6 / 4 = 0,510$$

$$v_m^0 = 1,3 \frac{W_0 D}{H} = 1,3 \frac{2,6 \cdot 0,5}{2} = 0,845$$

$\Delta T \approx 0$ ва $0,5 \leq v'_v < 2$ бўлганлиги учун мавжуд ҳисоблаш формуласига кўра

$$n = 0,532(v'_v)^2 - 2,13 v'_v + 3,13$$

$$n = 0,532 \cdot 0,845^2 - 2,13 \cdot 0,845 + 3,13 = 1,71$$

$\Delta T \approx 0$; $v'_v \geq 0,5$ бўлганлиги учун концентрацияни ҳисоблаймиз:

$$C_M = \frac{A \cdot M \cdot F \cdot n \cdot \eta}{H^{4/3}} K$$

Тегишли катталикларни келтирамиз:

$A=200$; $M=0,0068$; $F=1$; $n=1,71$; $\eta=1$; $H=2$

$$K = \frac{D}{8V_1} = \frac{1}{7,1\sqrt{w_0 V_1}} = \frac{1}{7,1 \cdot \sqrt{2,6 \cdot 0,51}} = 0,1235$$

$$C_M = \frac{A \cdot M \cdot F \cdot n \cdot \eta}{H^{4/3}} K = \frac{200 \cdot 0,0068 \cdot 1 \cdot 1,71 \cdot 1}{\sqrt[3]{2^4}} 0,1235 = 0,114 \text{ мг} / \text{м}^3$$

$0,5 \leq v'_v < 2$ бўлганлиги учун $d = 11,4 \cdot v'_v$ ёки бундан
 $d = 11,4 \cdot 0,845 = 9,633$

$$X_m = \frac{5-F}{4} dH = \frac{5-1}{4} 9,633 \cdot 2 = 19,3 \text{ м}$$

$$\text{ПДК}_{\text{факт}} = \frac{C_M}{\text{ПДК}_{\text{МР}}} = \frac{0,114}{0,3} = 0,38 \text{ ПДК}$$

Юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда зарарли моддани аҳоли яшаш пункти чегарасидаги концентрациясини аниқлаймиз:

$$c = s_1 \cdot c_M$$

$$X / X_m = 150 / 19 = 7,89$$

ОНД - 86 га кўра $1 < X / X_m \leq 8$ бўлганлиги учун 2.23(б) формулани

кўллаймиз $s_1 = \frac{1,3}{0,13(X / X_m)^2 + 1} = \frac{1,3}{0,13 \cdot 7,89^2 + 1} = 0,143$

$$c = s_1 \cdot c_M = 0,143 \cdot 0,114 = 0,016$$

$$ПДК_{факт} = \frac{C}{ПДК_{MP}} = \frac{0,016}{0,3} = 0,053 \text{ ПДК}$$

Юқоридагилар асосида ноорганик чанг миқдори аҳоли яшаш пункти чегарасида 0,053 ПДК ташкил этади деган хулосага келиш мумкин

Бўёқ аэрозоли атмосфера хавосидаги концентрацияни ҳисоблаймиз.

$\Delta T \approx 0$ Н - 2 м, D - 0,5 м ва W_0 - 2,6 м/сек инобатга олиб V_1 ни аниқлаймиз

$$V_1 = \frac{\pi D^2}{4} W_0 = 3,14 \cdot 0,5^2 \cdot 2,6 / 4 = 0,510$$

$$v_m^0 = 1,3 \frac{W_0 D}{H} = 1,3 \frac{2,6 \cdot 0,5}{2} = 0,845$$

$\Delta T \approx 0$ ва $0,5 \leq v'_v < 2$ бўлганлиги учун ОНД - 86 нинг 2,8 (б) формуласига кўра

$$n = 0,532(v'_v)^2 - 2,13 v'_v + 3,13$$

$$n = 0,532 \cdot 0,845^2 - 2,13 \cdot 0,845 + 3,13 = 1,71$$

$\Delta T \approx 0$; $v'_v \geq 0,5$ бўлганлиги учун концентрацияни ОНД-86 нинг 2.9 формуласи бўйича ҳисобни амалга оширамиз

A=200 ; M= 0,0008 ; F= 1; n = 1.71; $\eta = 1$; H = 2

$$K = \frac{D}{8V_1} = \frac{1}{7,1\sqrt{w_0 V_1}} = \frac{1}{7,1 \cdot \sqrt{2,6 \cdot 0,5}} = 0,1235$$

$$C_M = \frac{A \cdot M \cdot F \cdot n \cdot \eta}{H^{4/3}} K = \frac{200 \cdot 0,0008 \cdot 1 \cdot 1,71 \cdot 1}{\sqrt[3]{2^4}} 0,1235 = 0,0134 \text{ мг/ м}^3$$

$0,5 \leq v'_v < 2$ бўлганлиги учун $d = 11,4 \cdot v'_v$ ёки бундан
 $d = 11,4 \cdot 0,845 = 9,633$

$$X_m = \frac{5-F}{4} dH = \frac{5-1}{4} 9,633 \cdot 2 = 19,3 \text{ м}$$

$$ПДК_{факт} = \frac{C_M}{ПДК_{MP}} = \frac{0,0134}{0,5} = 0,0268 \text{ ПДК}$$

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда зарарли моддани аҳоли яшаш пункти чегарасидаги концентрациясини аниқлаймиз

ОНД - 86 нинг 2.22 формуласига кўра:

$$c = s_1 \cdot c_M$$

$$X / X_m = 150 / 19 = 7,89$$

ОНД - 86 га кўра $1 < X / X_m \leq 8$ бўлганлиги учун 2.23(б) формулани

куллаймиз

$$s_1 = \frac{1,3}{0,13(X / X_m)^2 + 1} = \frac{1,3}{0,13 \cdot 7,89^2 + 1} = 0,143$$

$$c = s_1 \cdot c_M = 0,143 \cdot 0,0314 = 0,0045$$

$$ПДК_{факт} = \frac{C}{ПДК_{MP}} = \frac{0,0045}{0,5} = 0,009 \text{ ПДК}$$

Юқоридагилар асосида ноорганик чанг миқдори аҳоли яшаш пункти чегарасида 0,009 ПДК ташкил этади деган хулосага келиш мумкин

Пластмасса конструкциялари самарадорлигини баҳолаш

Бино ва иншоотларни тиклашда заводларда тайёрланувчи йиғма конструкцияларни имтиёзли равишда қўллаш тавсия этилади. Улар ўлчамлари типлаштирилган турларининг кам сонли монтаж элементларидан тузилиши, ташиш ва ўрнатилишда қулай бўлиши керак. Йиғма конструкциялар технологиябоп бўлиши, тайёрлашдаги меҳнат сарфи катта бўлмаслиги керак.

Конструкцияларни ҳисоблаш ва лойиҳалашда уларнинг ишлаш, тайёрланиш, ташиш ва монтаж қилиш шароитлари эътиборга олинishi керак. Шунингдек, уларнинг узоққа чидамлиги, пишиқлиги ва мукамаллигини таъминлаш чоралари кўрилиши лозим.

Замонавий индустриаль тўсиқ конструкциялар – плита ва панелларни тайёрлашда пластмассалар билан бир қаторда юпка пўлат листлар, алюминий қотишмаларидан тайёрланган материаллар, асбестцемент варақлар кабиларнинг қўлланилиши яхши самара беради. Иситгич қатлами сифатида енгил иссиқлик сақлагич материаллар ишлатилади.

Доимий юкларга конструкциядан фойдаланишнинг бутун даври муддатида таъсир этувчи юклар ва таъсирлар киради (хусусий оғирлик, стационар ускуна – жиҳозлар оғирлиги, шунингдек, пневматик конструкциялар қобиқлари ичидаги ҳавонинг ички босими).

Вақтинчалик юклар узоқ ва қисқа муддат давомида таъсир этувчи юкларга бўлинади.

Узоқ муддатли вақтинчалик юкларга конструкцияга таъсирининг ҳисобий даври бир неча суткадан бир неча ойгачани ташкил этувчи юклар киради (қор қатламининг оғирлиги, ташқи ҳаво ҳароратининг ойлик ўзгаришлари ва шу кабилар, пневматик конструкциялар учун шунингдек, шамол юки).

Қисқа муддатли вақтинчалик юкларга конструкцияга таъсирининг ҳисобий даври бир неча суткани ташкил этувчи юклар киради (шамол юки, ташқи ҳаво ҳароратининг суткалик ўзгаришлари, қуёш радиациясининг иссиқлик таъсири, одамларнинг оғирлиги, монтаж ва таъмирлаш ишлари даврида - материал ва асбоб-анжомлар оғирлиги ва шу кабилар).

Меъёрий ва ҳисобий юкларнинг, шунингдек, уларнинг йиғиндиларининг қийматларини ҚМҚ 2.01.07-96 га асосан қабул қилинади.

Пластмасса конструкцияларнинг доимий ва узоқ муддатли вақтинчалик ёки доимий, қисқа ва узоқ муддатли вақтинчалик юклар ва таъсирлардан

ташқил топувчи йиғиндиларга ҳисоби материалларнинг узоқ муддатли ҳисобий қаршилиги, эластиклик ва силжиш модуллари бўйича (\mathbf{R} , \mathbf{E} ва \mathbf{G}) бажарилади. Фақат қисқа муддатли юклар ва таъсирлардан ташқил топувчи йиғиндиларга ҳисоби эса юқорида кўрсатилган кўрсаткичларнинг қисқа муддатли қийматлари бўйича (\mathbf{R}^k , \mathbf{E}^k , \mathbf{G}^k) бажарилади.

Пластмасса конструкцияларнинг солиштирма деформативлиги (R/E нисбати) катта бўлгани учун, уларни лойиҳалашда ташқи таъсирлардан энг кичик деформациялар юзага келадиган статик схемалар танлаш тавсия этилади (туташ тўсинлар, равоқлар, гумбазлар, қобиқлар ва ш.к). Бундан ташқари, пластмасса элементларнинг қалинлиги кичик бўлгани учун, кесимларининг шакллари ва ўлчамлари шундай танланиши керакки, бунда уларнинг инерция моментининг юзасига нисбати (J/F) максималъ қийматларга эришиши лозим (кутисимон, новсимон ва ш.к).

Конструкциялар элементлари ва бирикмаларидаги зўриқишлар, материаллар эластиклик чегарасида ишлайди деб олиниб, қурилиш механикасининг умумий қоидалари бўйича аниқланади, зарур ҳолларда бирикмаларнинг мойиллиги ҳисобга олинади.

Статик ҳисобларда доимий юклар конструкциялар материалларининг зичлиги бўйича, вақтинчалик юклар эса амалдаги меъёрий ҳужжатлар бўйича аниқланади.

Юкларнинг дастлабки ҳисобида ораёпма ва ёпмаларнинг юк кўтарувчи конструкцияларининг хусусий оғирлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$g_{x.o}^n = \frac{g^n + P^n}{\frac{1000}{K_{x.o}} - \ell}$$

$g_{x.o}^n$ - юк кўтарувчи конструкциянинг хусусий оғирлиги (N/m^2 ёки N/m ларда ўлчанади);

g^n ва P^n - доимий ва вақтинчалик меъёрий юклар (ҳисобланаётган конструкциянинг хусусий оғирлиги ҳисобга олинмаган ҳолда);

ℓ - конструкциянинг оралиғи, м;

$K_{x.o}$ - конструкциянинг хусусий оғирлик коэффиенти, конструкциянинг тури ва унга таъсир этаётган юкларнинг қийматига кўра маълумотнома жадвалларидан қабул қилинади.

Юқоридаги формулага юкларнинг ҳисобий қийматлари қўйилиб, конструкция хусусий оғирлигининг ҳисобий қиймати аниқланади.

Конструкциялардаги зўриқишлар вақтинчалик юк бутун оралиқ бўйича ёки унинг бир қисмида қўйилган ҳолатлар учун аниқланади.

Устки белбоғининг қиялиги 30° дан кичик бўлган фермалар ва $\frac{f}{\ell} \leq \frac{1}{7}$ нисбат ўринли бўлган равоқлар учун шамол юки ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Чордоқсиз ёпмалар фермаларида хусусий оғирлигидан ҳосил бўлувчи юклар устки белбоғ тугунларига қўйилади. Осма ораёпмали биноларда

хусусий оғирлигидан ҳосил бўлувчи юклар устки в остки белбоғ тугунларига тенг тақсимланади.

Пластмасса қурилиш материаллари иқтисодиётини ҳисоблаш методикаси, вариантларни солиштириш масаласида ҳар бир тур элементлари бўйича вариантларни алоҳида - алоҳида таққослашни талаб қилади.

Таққослашни таъминлаш учун ҳар бир вариантларни бир хил бирлик тизимига келтириб олинади. Масалан, каркас ва том ёпмаларини вариантлар бўйича баҳолашда иншоотнинг 1 м^2 юзасига тушаётган кўрсаткичларини аниқлашни тавсия этилади. Бино ва иншоотларнинг алоҳида конструкцияларини ва конструктив ечимларни баҳолаш учун техник-иқтисодий кўрсаткичлар тизимига киради:

1. лойиҳадаги нархи, сўм;
1. лойиҳа бўйича таннархи, сўм;
1. келтирилган ҳаражатлар, сўм;
1. конструкцияларнинг массаси, кг;

Лойиҳадаги асосий материаллар сарфи:

1. пластмасса, кг ;
1. асбестцемент, м^3 .

Лойиҳадаги асосий материалларнинг чиқинди чиқишини ҳисобга олган ҳолдаги сарфи:

1. синтетик смола ва пластмассалар, кг;
1. тайёрлаш меҳнат сарфи, *одам/соат* ;
2. тиклаш ёки кўтариш меҳнат сарфи, *одам/соат* ;
3. тиклаш муддати, *кунлар*.

Кўрсаткич сифатида энг кам келтирилган сарф ҳаражатни олинади. Энг кам сарф-ҳаражатли вариантни иқтисодий томондан энг яхши вариант деб олинади.

Пластмасса конструкциялари самарадорлигини баҳолаш

Бино ва иншоотларни тиклашда заводларда тайёрланувчи йиғма конструкцияларни имтиёзли равишда қўллаш тавсия этилади. Улар ўлчамлари типлаштирилган турларининг кам сонли монтаж элементларидан тузилиши, ташиш ва ўрнатилишда қулай бўлиши керак. Йиғма конструкциялар технологиябоп бўлиши, тайёрлашдаги меҳнат сарфи катта бўлмаслиги керак.

Конструкцияларни ҳисоблаш ва лойиҳалашда уларнинг ишлаш, тайёрланиш, ташиш ва монтаж қилиш шароитлари эътиборга олиниши керак. Шунингдек, уларнинг узоққа чидамлилиги, пишиқлиги ва мукамаллигини таъминлаш чоралари кўрилиши лозим.

Замонавий индустриаль тўсиқ конструкциялар – плита ва панелларни тайёрлашда пластмассалар билан бир қаторда юпқа пўлат листлар, алюминий қотишмаларидан тайёрланган материаллар, асбестцемент варақлар кабиларнинг қўлланилиши яхши самара беради. Иситгич қатлами сифатида энгил иссиқлик сақлагич материаллар ишлатилади.

Доимий юкларга конструкциядан фойдаланишнинг бутун даври муддатида таъсир этувчи юклар ва таъсирлар киради (хусусий оғирлик, стационар ускуна – жиҳозлар оғирлиги, шунингдек, пневматик конструкциялар қобиклари ичидаги ҳавонинг ички босими).

Вақтинчалик юклар узок ва қисқа муддат давомида таъсир этувчи юкларга бўлинади.

Узок муддатли вақтинчалик юкларга конструкцияга таъсирининг ҳисобий даври бир неча суткадан бир неча ойгачани ташкил этувчи юклар киради (қор қатламининг оғирлиги, ташқи ҳаво ҳароратининг ойлик ўзгаришлари ва шу кабилар, пневматик конструкциялар учун шунингдек, шамол юки).

Қисқа муддатли вақтинчалик юкларга конструкцияга таъсирининг ҳисобий даври бир неча суткани ташкил этувчи юклар киради (шамол юки, ташқи ҳаво ҳароратининг суткалик ўзгаришлари, куёш радиациясининг иссиқлик таъсири, одамларнинг оғирлиги, монтаж ва таъмирлаш ишлари даврида - материал ва асбоб-анжомлар оғирлиги ва шу кабилар).

Меъёрий ва ҳисобий юкларнинг, шунингдек, уларнинг йиғиндиларининг қийматларини ҚМҚ 2.01.07-96 га асосан қабул қилинади.

Пластмасса конструкцияларнинг доимий ва узок муддатли вақтинчалик ёки доимий, қисқа ва узок муддатли вақтинчалик юклар ва таъсирлардан ташкил топувчи йиғиндиларга ҳисоби материалларнинг узок муддатли ҳисобий қаршилиги, эластиклик ва силжиш модуллари бўйича (R , E ва G) бажарилади. Фақат қисқа муддатли юклар ва таъсирлардан ташкил топувчи йиғиндиларга ҳисоби эса юқорида кўрсатилган кўрсаткичларнинг қисқа муддатли қийматлари бўйича (R^k , E^k , G^k) бажарилади.

Пластмасса конструкцияларнинг солиштирма деформативлиги (R/E нисбати) катта бўлгани учун, уларни лойиҳалашда ташқи таъсирлардан энг кичик деформациялар юзага келадиган статик схемалар танлаш тавсия этилади (туташ тўсинлар, равоқлар, гумбазлар, қобиклар ва ш.к). Бундан ташқари, пластмасса элементларнинг қалинлиги кичик бўлгани учун, кесимларининг шакллари ва ўлчамлари шундай танланиши керакки, бунда уларнинг инерция моментининг юзасига нисбати (J/F) максималъ қийматларга эришиши лозим (кутисимон, новсимон ва ш.к).

Конструкциялар элементлари ва бирикмаларидаги зўриқишлар, материаллар эластиклик чегарасида ишлайди деб олиниб, қурилиш

механикасининг умумий қоидалари бўйича аниқланади, зарур ҳолларда бирикмаларнинг мойиллиги ҳисобга олинади.

Статик ҳисобларда доимий юклар конструкциялар материалларининг зичлиги бўйича, вақтинчалик юклар эса амалдаги меъёрий ҳужжатлар бўйича аниқланади.

Юкларнинг дастлабки ҳисобида ораёпма ва ёпмаларнинг юк кўтарувчи конструкцияларининг хусусий оғирлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$g_{x.o}^n = \frac{g^n + P^n}{\frac{1000}{K_{x.o}} - \ell},$$

$g_{x.o}^n$ - юк кўтарувчи конструкциянинг хусусий оғирлиги (Н/м² ёки Н/м ларда ўлчанади);

g^n ва P^n - доимий ва вақтинчалик меъёрий юклар (ҳисобланаётган конструкциянинг хусусий оғирлиги ҳисобга олинмаган ҳолда);

ℓ - конструкциянинг оралиғи, м;

$K_{x.o}$ - конструкциянинг хусусий оғирлик коэффициенти, конструкциянинг тури ва унга таъсир этаётган юкларнинг қийматига кўра маълумотнома жадвалларидан қабул қилинади.

Юқоридаги формулага юкларнинг ҳисобий қийматлари қўйилиб, конструкция хусусий оғирлигининг ҳисобий қиймати аниқланади.

Конструкциялардаги зўриқишлар вақтинчалик юк бутун оралик бўйича ёки унинг бир қисмида қўйилган ҳолатлар учун аниқланади.

Устки белбоғининг қиялиги 30⁰ дан кичик бўлган фермалар ва $\frac{f}{\ell} \leq \frac{1}{7}$ нисбат ўринли бўлган равоқлар учун шамол юки ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Чордоқсиз ёпмалар фермаларида хусусий оғирлигидан ҳосил бўлувчи юклар устки белбоғ тугунларига қўйилади. Осма ораёпмали биноларда хусусий оғирлигидан ҳосил бўлувчи юклар устки в остки белбоғ тугунларига тенг тақсимланади.

Пластмасса қурилиш материаллари иқтисодиётини ҳисоблаш методикаси, вариантларни солиштириш масаласида ҳар бир тур элементлари бўйича вариантларни алоҳида - алоҳида таққослашни талаб қилади.

Таққослашни таъминлаш учун ҳар бир вариантларни бир хил бирлик тизимига келтириб олинади. Масалан, каркас ва том ёпмаларини вариантлар бўйича баҳолашда иншоотнинг 1 м^2 юзасига тушаётган кўрсаткичларини аниқлашни тавсия этилади. Бино ва иншоотларнинг алоҳида конструкцияларини ва конструктив ечимларни баҳолаш учун техник-иқтисодий кўрсаткичлар тизимига киради:

4. лойиҳадаги нархи, сўм;
5. лойиҳа бўйича таннархи, сўм;
6. келтирилган ҳаражатлар, сўм;

7. конструкцияларнинг массаси, кг;

Лойиҳадаги асосий материаллар сарфи:

8. пластмасса, кг ;

9. асбестцемент, м³.

Лойиҳадаги асосий материалларнинг чиқинди чиқишини ҳисобга олган ҳолдаги сарфи:

10. синтетик смола ва пластмассалар, кг;

11. тайёрлаш меҳнат сарфи, одам/соат ;

12. тиклаш ёки кўтариш меҳнат сарфи, одам/соат ;

13. тиклаш муддати, кунлар.

Кўрсаткич сифатида энг кам келтирилган сарф харажатни олинади. Энг кам сарф-харажатли вариантни иқтисодий томондан энг яхши вариант деб олинади.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар

1. Конструкцияларда қўлланиладиган пластмасса материаллари қуйидагилардир: узлуксиз бир-бири билан ўзаро кесишувчи ойнатолали, ёруғлик ўтказмайдиган полимер терморектив смолали юқори мустаҳкамли стеклопластик; органик ойна - ёруғ ўтказди ва термопластик полимер смоладан ташкил топган; винипласт-термопластик полимер смоладан ташкил топган ва у ёруғлик ўтказувчи ёки ўтказмайдиган бўлиши мумкин ва у кимёвий агрессив муҳитга чидамлилиги билан ҳам ажралиб туради; пенопласт - термопластик, ёки термоактив смола деворли, қаттиқ ҳаво пуфакчалардан ёки зарарсиз газдан ташкил топган ва улар чегаравий кичик хусусий оғирлиги билан, мустаҳкамлиги ва бикрлиги билан фарқ қилади.
2. Сунъий ҳаво ўтказмайдиган газламалар - полимер толали газламалар, уларнинг усти синтетик резина ёки эластик полимер смола билан қопланган бўлади.
3. Конструкциявий пластмассалар юпқа ва кичик қалинликда бўлади. Уларнинг қалинлиги миллиметрларда ўлчанади ва асосан текис, тўлқинсимон ҳамда ўрамли қилиб тайёрланади. Фақат, пенопластларгина плита шаклида, сантиметрларда ўлчанадиган қалинликда ва стеклопластика турли профили ва труба кўринишларида ишлаб чиқарилади.

4. Қўлланиладиган пластмассалар конструкциявий қурилиш материали сифатида муҳим афзалликларига эгадир. Бу материаллар енгил бўлиб, уларнинг зичлиги ёғоч зичлигига нисбатан икки баробар юқоридир. Лекин пенопластни зичлиги жуда кичкина ва у кўпинча 50 кг/м^3 дан ошмайди. Пластмассаларга ихтиёрий шакл бериш мумкин, улар чиримайди, кимёвий агрессив муҳитга чидамли ҳисобланади.
5. Мавжуд пластмассалар қурилиш материали сифатида маълум камчиликларга ҳам эга. Улар ёнувчан ҳисобланади ва юқори бўлмаган оловбардошлик чегарасига эга, уларнинг қаттиқлиги юқори эмас, бундан фақатгина юқори мустаҳкамликка эга бўлган стеклопластика мустаснодир. Ёғочга нисбатан қаттиқлиги кам, атмосфера таъсирида эскиради, рангини ўзгартиради, яъни физик-механик хоссалари ўзгаради ва яна пластмассалар ҳозирча қиммат ва танқисдир.
6. Эгилувчан пневматик конструкциялар ҳаво ўтказмайдиган газлама, ёки плёнкадан ташкил топган ёпиқ қуббалардир. Улар ҳаво таянчли, ҳавоқаркасли ва ҳавовантли турларга бўлинади.
7. Кимёвий полимерлар - пластмассаларнинг асоси ҳисобланади. Улар юқори молекуляр бирикмалар ҳисобланади ва бир хил структурадаги элементар жуда кўп звенолардан ташкил топган. Бу звенолар бир-бири билан ковалент боғловчилар билан узун занжирга боғланган бикр ва пластик фазовий занжирни ҳосил қилади. Полимер - грекча сўз бўлиб, поли - кўп, мер - қисм деган маънони беради. Мономер сўзи эса, моно- битта, мер - қисм, яъни битта қисм деган маънони беради. Полимерлар икки йўл билан олинади: полимеризация ва поликонденсация. Полимеризация - бу бир нечта мономер молекулаларни бирикиб битта макромолекула ҳосил қилишидир. Бунда жараён маълум ҳарорат ва босимда боради ва ҳеч қандай паст молекуляр моддалар ажралиб чиқмайди.
8. Поликонденсация - турли хилдаги мономер молекулаларни бирикиши натижасида юқори молекуляр моддани ҳосил бўлишидир. Бунда паст молекуляр моддалар ажралиб чиқади, масалан сув, спирт ва бошқалар.
9. Боғловчи-смолянинг турига қараб пластмассаларни икки турга бўлинади: терморектив ва термопластик. Полимеризация йўли билан олинган полимерлар - термопластли материаллардир. Термопластлар- поливинилхлорид, полиэтилин, полистирол, полиуретан, полиамид, акрилли ва бошқа термопластик смолалар, яъни қиздирилганда юмшайдиган ва пластик ҳолатга кирадиган, совутилганда яна қотадиган материаллардир. Терморектив пластмассалар - фенолформальдегидли, полиэфирли, эпоксидли, карбамидли ва бошқа терморектив смолалар асосида олинандиган пластмассалардир.

10. Боғловчи модда барча пластмассаларда - смолалардир. Конструкция ва материаллар учун асосан полиэфирли, фенолформальдегидли, эпоксидли, мочевино ва меламиноформалдегидли ва кремний органик смолалар ишлатилади.
11. Пластмассаларда тўлдирувчи - боғловчининг сарфини камайтиради ва бунинг натижасида таннарх камаяди. Тўлдирувчилар - узлуксиз ва узлукли ойнатоласи, ойнагазлама, асбест толаси, ёғоч толаси, киринди , тальк.
12. Қўлланиладиган пластификатор - пластмассаларнинг мўртлигини камайтиради, эгилувчанлигини оширади ва яна совуқбардошлигини оширади. Пластификаторлар - трибутилфосфат, дибутилфталат, трикрезилфосфат. Стабилизаторлар - пластмассаларнинг физик - механик хусусиятларини сақлаш имкониятини оширади.
13. Қўшимча сифатида қўшиладиган антистатик-полимерларни диэлектрик хусусиятларини оширади (*курум, графит, металл кукунлари*).
14. Пластмассаларнинг айрим турлари Ўзбекистон шароитидаги иқлимга жуда мос келмайди ва уларни эксплуатация муддатлари оз бўлиши мумкин (масалан, том қисмига ёпиладиган полимер плёнка типидagi ёпмалар), сабаби, Ўзбекистон худуди куруқ-иссиқ иқлим шароитидадир.
15. Пластмассалар узлуксиз қуёш таъсирида рангини ва физик-механик хоссаларини ўзгартиради ва мўрт бўлиб қолади, кам юкларда ҳам синиши кузатилади, лекин чиримайди, аммо жуда хавфли ёнувчанлиги мавжуд.
16. Шунинг учун пластмассаларни қуёш таъсири кам тушадиган қурилиш жойларида ва иссиқлик чиқарадиган фойдаланиш электр ва газ элементларидан масофада қўлланилишига тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёев «Буюк келажакимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.
2. Ш.М.Мирзиёев «Ганқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қонидаси бўлиши керак» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.
3. Ш.М.Мирзиёев «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.
4. Ш.М.Мирзиёев «Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови» Т.: Ўзбекистон, 2017 й.
5. Каримов И. А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т.:Ўзбекистон, 1997.-99 б.

6. “Шахарсозлик фаолияти объектларини қурилишида лойиҳалаш учун архитектура режалаштириш топшириқларини тузиш ва расмийлаштириш бўйича кўрсатма” “Давархитектқурилиш” қўмитасининг 02.06.2007 йилдаги 63-сон буйруғи билан тасдиқланган
7. «2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446-сон қарори
8. «Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори
9. «Кишлоқ жойларда уй-жой қурилишини молиялаштиришнинг ресурс базасини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 151-сон қарори
10. «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги ПҚ-1426-сон қарори
11. «Кишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 сентябрдаги ПҚ–1403-сон қарори
12. **«Кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида «Кишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сон қарори
13. «Мехнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 6 августдаги 154-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 273-2*)
14. **«Деворбоп материаллар, оҳак, гипс ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»** Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 9 октябрдаги 62-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2043*)
15. «Мехнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 6 августдаги 154-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 273-2*).
16. **Бойтемиров Ф.А.** Конструкции из дерева и пластмасс : учебник для студ. учреждений высш. проф. образования / Ф. А. Бойтемиров. —М. : Издательский центр «Академия», 2013. — 288 с.
17. Тўйчиев Н.Ж. Фуқаро ва саноат бинолари конструкциялари /ўқув қўлланма/. Т.: Ворис, 2006й.
18. Юсупов Р.А. Архитектуравий конструкциялар. Ўқув қўлланма. Т. 2004й.

19. Асомов Р.Ж. Турар жой бинолари типологияси. / ўқув қўлланма /. Тошкент 2000 й.
20. Тешабоев Р.Д. Турар-жой биноларини конструктив қисмлари / ўқув қўлланма /. Т.: Ўқитувчи, 1996 й.
21. Орловский Б.Я. Архитектура гражданских и промышленных зданий. М.:Стройиздат, 1991.
22. Матъязов С. Архитектура. Ўқув қўлланма. Самарқанд -2003
23. Матъязов С. Майда ўлчамли элементлардан кам қаватли турар-жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш бўйича курс ишини бажариш услубий кўрсатмалари Самарқанд -2003
24. Рахмонов Б., Сидиков М. Бинолар зилзилабардошлиги. Ўқув қўлланма. Т.:Фан ва технология, 2007.-225 б.
25. Добромислов А.Н. Оценка надежности зданий и сооружений по внешним признакам Справочное пособие. М.: Издательство АСВ, 2004.-72 с.
26. Хобилов Б.А. Иншоотлар динамикаси ва зилзилабардошлиги. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. Т.Ўқитувчи. 1998.-150 б.
27. Раззаков С. Ёғоч ва пластмасса конструкциялари. Т.:Академия нашриёти. 2005.-160 б.
28. Холмирзаев А., Раззаков С. Бетон ва темирбетон махсулотларини ишлаб чиқариш Т.: Уқитувчи 2007 йил
29. Землянский А.А. Обследование и испытание зданий и сооружений. Учебное пособие. М.: Издательство АСВ, 2004.-240 с., с илл.
30. Касьянов В.Ф. Реконструкция жилой застройки городов. Учебное пособие М.: Издательство АСВ, 2005.-224 с.
31. Хобилов Б.А. Иншоотлар динамикаси ва зилзилабардошлиги. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма -Т.Уқитувчи. 1988 й. -150б.
32. Шоумаров Н.,Хобилов Б. Зилзилабардош иморатлар.-Т.Мехнат 1989й.-168б.
33. Акрамов Х.А., Қўчқаров Р.А., Мухитдинов А.Б. Кўп қаватли саноат биноларини зилзилавий худудларда лойиҳалаш асослари. Ўқув қўлланма Т.: 2002 й.
34. Бондаренко В.И. Зилзила бўладиган районларда юк кўтарувчи деворлари ғишт ёки тошдан терилган биноларни лойиҳалаш. Т.:1992 й.
35. Рўзиев Қ.И. ва бошқалар. Курилиш конструкциялари. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон. 2006.-218 б.
36. Байков В.Н., Сигалов Э.Е. «Железобетонные конструкции» Общий курс. Учебник для строительных вузов. М.Стройиздат, 1991-167с.
37. Днепровский С.И. и др. «Расход материалов на отдельные виды общестроительных и специальных работ» К.Будивелник.1998 г.
38. Азимов Х. Курилишда мехнат хавфсизлиги Тошкент, 1997й.
39. Отахонов М. Курилишда мехнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси.-Тошкент, Мехнат, 1991 й.
40. Ўзбекистон Республикасининг мехнат кодекси. «Адолат» Тошкент 1996 йил.
41. Ўзбекистон Республикасининг мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни. Тошкент 1993 йил.
42. Природоохранные нормы и правила проектирование: Справочник / Сост.: Ю.Л.Максименко, В.А.Глухарев.-М.:Стройиздат, 1990.-527 с.

43. Р. Х. Халилова. Методические указания к выполнению практических занятий по вопросам охраны атмосферного воздуха на предприятиях дорожного хозяйства. Ташкент, 1989. (3-5 стр.).
44. Природоохранные нормы и правила проектирования: Справочник (Сост.: Ю. Л. Максименко, В. А. Глухарев. — М.: Стройиздат, 1990. - 527 с. (430-448 стр.).
45. Беспаянтов Г. П., Кротов Ю. А. Предельно допустимые концентрации химических веществ в окружающей среде. Справочник. - Л.: Химия, 1985. - 528 с., ил. (8-20 бет.)
46. А. Тухтаев. “Экология” Тошкент, “Укитувчи” 1998 йил. 5-21 бетлар.
47. Х.Т.Турсунов. “Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш” Тошкент, “Саодат РИА”, 1997 йил, 4-10 бетлар.
48. Сборник методик по расчету выбросов в атмосферу загрязняющих веществ, Госкомгидромет.- 1986.
49. ҚМҚ 1.01.04-98. «Меъморчилик-қурилиш атамалари» Тошкент, 1998
50. ҚМҚ 2.01.01-94. «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар»
51. ҚМҚ 2.01.03-98. «Зилзилавий ҳудудларда қурилиш» Тошкент, 1998
52. ҚМҚ 2.01.07-97. «Юқлар ва таъсирлар». Т:1997
53. ҚМҚ 2.03.01-96. «Бетон ва темирбетон конструкциялари» Тошкент, 1996
54. ҚМҚ 2.03.07-98. «Тош ва арматош конструкциялар» Тошкент, 1998
55. ҚМҚ 2.04.02-97. Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар. Тошкент, 1997
56. ҚМҚ 2.04.03-97. «Сувоқава. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар» Тошкент, 1999
57. ҚМҚ 2.09.04-98. «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари» Тошкент, 1998
58. ҚМҚ 2.07.01-94. Градостроительство. Планировка и застройка городских и сельских поселений
59. ҚМҚ 2.08.02-97. Жамоат бинолари ва иншоотлари. Тошкент 1997 й.
60. ҚМҚ 2.01.08-96. “Шовқиндан ҳимоя” Т. 1997.
61. ШНҚ 2.07.01-03. «Шахарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳларини режалаштириш ва қуриш» Тошкент, 2003 йил.
62. Интернет маълумотлари. www.Ziyonet.uz; www.forumhouse.ru; govindam.ru
bti.uznet.net; tasi.uzsci.net; farpi.uz; obmash.ru